Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 11 сентябрь, чоршанба • №73 (11.461) • Эркин нархда сотилади

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



**Ўзбек ва қозоқ халқларини азалий дўстлик, биродарлик ришталари бирлаштириб туради. Тили, дини, маданияти ва ўтмиши бир бўлган икки қардош халқнинг истиқболдаги мақсадлари ҳам муштараклиги эса муҳим аҳамият касб этади.**

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, фойдаланилмаётган иқтисодий имкониятлар қулфини очиш, икки қўшни мамлакат давлат чегараларининг делимитациясини ниҳоясига етказишни Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларидаги долзарб масалалардан, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатда меҳмон бўлди. Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Остона аэропортида юксак мартабали меҳмонни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг саройида дастлаб Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев яккама-якка суҳбатлашди. Шундан сўнг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди.

Томонлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги поғонага кўтариш масалалари юзасидан фикр алмашди. Хусусан, ўзаро маданият кунларини ўтказишга келишиб олинди. Музокараларда, шунингдек, иқтисодий жабҳадаги ҳамкорликни кучайтириш, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди. Маълумотларга қараганда, 2002 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 124 миллион АҚШ долларини ташкил қилган.

Ўзбекистон раҳбари икки давлатнинг бу соҳадаги имкониятларини "ягона локомотивга бирлаштириш" таклифини илгари сурди. Ушбу таклиф Қозоғистон томонидан қўллаб-қувватланди. Қўнғирот-Бейнов-Оқтов автомобил йўлининг қурилиши қардош халқларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, экспорт-импорт имкониятларини кенгайтириши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қўллаб-қувватланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш борасидаги ташаббус, экологик муаммоларнинг олдини олиш, бу масалаларга бағишланган анжуманни Семипалатинск шаҳрида ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди. Зеро, эски тузум даврида шу ҳудудда ядровий синовлар ўтказилган эди. Унинг асоратлари ҳамон сезилади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг узунлиги 2440 километрга етади. Бундан ўн ой аввал давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича келишиб олинган эди. Қисқа фурсат ичида йирик ҳажмдаги иш бажарилди. Ташриф давомида президентлар томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараларининг алоҳида участкалари тўғрисидаги битим билан мазкур жараён тўлиқ ниҳоясига етказилди.

Аммо бу икки мамлакат, икки халқ ўртасига тўр сим тортилди, дегани эмас. Дўстлик ва қардошлик алоқалари аввалгидан ҳам қизғин давом этаверади.

Остонадаги учрашувлар чоғида яна бир муҳим ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 1998 йил 31 октябрда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши ҳақида қўшма декларация қабул қилинди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етгач, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

– Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат чегараларининг делимитацияси масаласида ҳеч қачон бир тўхтамга кела олмайди, деб жар солганлар биз имзолаган ҳужжатлар билан танишгач, хато қилганларини тушуниб етса ажаб эмас, – деди, жумладан, давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Президенти ҳамроҳлигида Ватан ҳимоячилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

"Байтерек" мажмуи Остона шаҳрининг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Ислом Каримов ташриф ниҳоясида ана шу иншоотни бориб кўрди. Унинг баландлиги 97 метр. Бунинг ҳам рамзий маъноси бор. 1997 йили Қозоғистон пойтахти Алматидан Остонага кўчирилган эди. Шу йилнинг 29 августида фойдаланишга топширилган "Байтерек"ка давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қадам қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди. Остона аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кузатиб қолди.

*Озод РАЖАБОВ,*
*ЎзА махсус мухбири.*
*Тошкент-Остона-Тошкент.*

Вилоят ҳокимлигида

## БОЗОР ШАРОИТИДА РЕКЛАМА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси «Реклама тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида Тошкент вилояти худудида реклама бозорини ривожлантириш хамда реклама воситалари оркали махаллий ишлаб чикариш махсулотларига талабни кучайтириш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди

Маълумки, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқалар ва савдо-сотиқни йўлга қўйишда рекламанинг ўрни беқиёс. Ҳаммамизга яхши аён, товар ишлаб чиқарувчи рақобатда енгиб маҳсулотни тезроқ ва кўпроқ ўтказишга ҳаракат қилади.

Чет элларда унинг харидорини кўпайтиришга интилади. Шунинг учун ҳам йирик мулкдорлар олинаётган соф фойданинг маълум қисмини рекламага сарфлайди. Шубҳасиз сарфлаган сармояси бежиз кетмайди, унга қўшимча даромад келтиради.

Тошкент вилояти ҳокимлигида ўтган йиғилиш ҳам айни шу масалага бағишланди. Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари А.Йўлдошев очди. Сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходими Ж.Мамажонов, вилоят «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Д.Мирзааҳмедов ва бошқалар реклама аҳамияти, вилоят худудида ташқи рекламани жойлаштириш, уларнинг вилоят кўркини янада очиши, реклама бозори, фойда олиш учун ахборот бериш, рекламалар мазмуни ва миллийлаштириш ҳақида гапирдилар.

Мазкур тадбирда вилоятнинг қатор идора ва ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

*Ўз мухбиримиз.*

## МАҲСУЛОТ КЎРКАМЛИГИ УЧУН

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги кўмагида Россиянинг «Сюрпресс» фирмаси ва «Полрос» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси томонидан халқаро кўргазма ўтказилмоқда. «Ўзэкспомарказ»да очилган мазкур кўргазмада матбаа, ноширлик иши, реклама, ўрам ва ёрлиқлар намойиш этиляпти.**

Товарни қадоқлаш ва уни чиройли безаклар билан безаш Ўзбекистонда, қолаверса, бутун Марказий Осиё минтақасида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, ушбу соҳа айни пайтда чексиз технологик имкониятларга эга бўлиб, ўртамиёна товарни ҳам жаҳон бозорида рақобатбардош қила олади. Кўпинча ушбу минтақа маҳсулотлари рисоладагидай қадоқланмаганлиги туфайли импорт маҳсулотларга ютқазади.

Мазкур кўргазмада ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар матбаа ва қадоқлаш соҳасида энг сўнгги ютуқлар билан уйғунликдаги янги ишланмаларни баҳолаш имконига эга бўлишди. Айни пайтда фирмаларга ўз ютуқларини намойиш этиш, янги буюртмачилар топиш имкони ҳам туғилди.

Кўргазмада 28 та Ўзбекистон ва 18 та хорижий фирмалар иштирок этмоқда. Улар матбаанинг асосий бўлинмалари, ноширлик фаолияти, шунингдек ёрлиқлаш ва қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг янги ускуна ва жиҳозларни намойиш этишмоқда.

Кўргазмада жаҳоннинг 20 та давлати, хусусан, Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Япония, Германия ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этиляпти.

*«Туркистон-пресс».*

## КАТТА ТЕННИС ЯНА ТОШКЕНТДА

**Кеча Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги IX халқаро турнири тантанали очилди.**




Мазкур мусобақаларга Юртбошимиз асос солган ва анъанавий бўлиб қолишига муносиб ҳисса қўшган эди. Унинг бевосита эътибори туфайли ушбу турнир ўта оммалашди, шуҳрат қозонди. Бу эса ўз навбатида спортнинг бу тури ҳавас қиларли даражада ривожланишига сабаб бўлаётир. Ўтган йиллар мобайнида ўзбекистонлик юзлаб ёшлар теннисга кириб келдилар. Теннис мамлакатимиз халқининг улкан қисмини ўзига ром этганини айтмайсизми! Унинг ишқибозлари тобора кўпайиб бораётир.

Бу галги турнир кўлам жиҳатидан ҳам, ундаги юлдузлар иштироки жиҳатидан ҳам кўп томонлама аввалгиларидан қамровлироқ. Тошкентликлар машҳур россиялик спортчилар Евгений Кафельников ва Марат Сафинни эски қадрдонлардек кутиб олишди. Улар ўзбекистонлик мухлислар меҳрини шунчалик қозонишганки, эндиликда азим Тошкентнинг ҳатто деворлари ҳам уларни қўллаб-қувватлаб тургандек. Турнирда бу каби номдор спортчилар талайгина. Улар иштирокида биз кўпгина қизиқарли беллашувларнинг гувоҳи бўлишимиз табиий.

Мусобақалар олдидан ўтказилган қуръа ташлаш маросими ҳам кутилмаган «совға»ларга бой бўлди. Тақдир измига кўра, дастлабки даврадаёқ бизга яхши таниш швейцариялик Марк Россе ва немис Томми Хаас кортда юзма-юз келишди. Бу эса, бошланаётган турнир дастлабки беллашувларданоқ барчанинг эътиборини ўзига жалб этишига сабаб бўлди.

Турнир муқаддимасидаги яна бир кутилмаган янгилик — Николас Киферниинг жароҳат туфайли уни тарк этиши бўлди. Бизнинг Олег Огородников ҳам бироз «терлайдиган» кўринади. Ахир, унга рақиб сифатида Владимир Волчков кортга чиқади-да.

Биз умид билан қараётган яна бир вакилимиз Вадим Куценко эса, исроиллик Ноам Окун билан беллашади. Евгений Кафельников немис Александр Васк (рейтинг таснифида 137-ўринда) билан кортга чиқади.

Таниқли бошқа бир спортчи — италиялик Давид Сангинетти (у 49-ўринда) швед Магнус Норман (таснифда атиги 208-қаторни эгаллаб турибди) билан учрашади. Мухлислар эркаси Марат Сафин эса, саралаш синовларидан ўтиб келган, бунгача ҳеч ким билмаган француз Грегори Кариц билан куч синашади. Хуллас, турнир муқаддимаси ғоят қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Шундай экан, телевизорларга яқинроқ ўтиришни ёки «Юнусобод» кортларида дўстлар билан тез-тез учрашиб туришни маслаҳат берамиз.

*Ўз мухбиримиз.*

**ВИЛОЯТ ҳаёти**

### СУҲБАТ МАВЗУСИ — ЯНГИ АВЛОД ТАРБИЯСИ

**Бўстонлиқ туманининг Чорвоқ ва Хўжакент шаҳарчалари, Озодбош, Сижжак ва Боғистон қишлоқларида «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими прокуратура, «Камолот» ёшларнинг ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда савол-жавоб кечалари ўтказди.**

Ўсмирлар тарбияси, диний ақидапарастлик ва терроризмга қарши кураш, жисмоний соғлом ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш муаммолари теварагида қизғин фикрлашиб олинди. Учрашувлар мобайнида кўп болали оилаларга 800 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

*Ўз мухбиримиз.*

### «ТАМАННО» ва «НАВРЎЗ» МЕҲМОНДА

**Оҳангарон тумани маданият бўлимига қарашли «Таманно» ва «Наврўз» фольклор-этнографик дасталари туман меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, ўз истеъдодларини намойиш этмоқдалар.**

Ана шундай учрашувлардан бири «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг Телов қишлоқ клубида бўлиб ўтди.

Шу куни «Наврўз» фольклор дастасининг чиқишлари, Қуйсиной Саттарова, Зебо Тожибоева, Вазира Ниёзова сингари хушовоз хонандалар ижросидаги дилрабо қўшиқлар йиғилганларни хушнуд этди.

*Ўз мухбиримиз.*

### ЎТТИЗДАН ОРТИҚ МАКТАБГА

**Янги ўқув йили бошланиши билан Зангиота туманидаги мактабларaро умумий овқатланиш комбинати ибратли ишларни амалга оширмоқда.**

Жумладан, комбинат 30 дан ортиқ мактаб ошхоналарига ҳар куни эрталабки нонушта ва тушлик учун ҳар турдаги қандолат маҳсулотлари, турли пишириқлар ва озиқ-овқат етказиб бераяпти. Куни узайтирилган гуруҳлардаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иссиқ овқат билан бепул таъминланмоқда.

Шу кунларда комбинатда қишки мавсумга ўтиш учун тайёргарлик кўриляпти.

*Ўз мухбиримиз.*

### ИСТИРОҲАТ БОҒИДА УЧРАШДИЛАР

**Янгийўл шаҳридаги «Алишер Навоий гулшани» маданият ва истироҳат боғида ўтказилган билим юртлари ўқувчиларининг давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.**

Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар бошқармалари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Наркология» ишонч пункти вилоят бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда икки юздан зиёд иштирокчи қатнашди. Гиёҳвандлик, қизлар ўртасида камқонлик касаллиги, жиноятчилик ва унинг олдини олиш ва ёшлар ҳаёти билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан баҳс-мунозара қизғин ўтди.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

*Ўз мухбиримиз.*

### ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Бекобод шаҳридаги Гагарин номли истироҳат боғида ўсмирлар ўртасида қўл жанги бўйича вилоят очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.**

Мусобақаларда вилоятнинг спортчиларидан ташқари Сирдарё вилояти ва қўшни Тожикистон Республикаси ўсмирлари ҳам беллашдилар. Мусобақа якунига биноан биринчиликни Бекобод шаҳри жамоаси эгаллади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

*Ўз мухбиримиз.*

**ВИЛОЯТ ҳаёти**

**БУГУНГИ СОНДА:**

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ» 2-бет

СУЛТОНОБОДЛИКЛАР ЎТТИЗНИ КЎЗЛАШМОҚДА 3-бет

ЎЗ ҚЎШИҒИНГ БЎЛГАНИГА НЕ ЕТСИН 4-бет

# ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

**Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги билан «Маънавият ва маърифат» марказининг шаҳар бўлими ташаббуси остида Ибн Сино маҳалласида «Қарияларни қадрлаш йили»га бағишлаб кекса авлод вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Бир пиёла чой устидаги бу учрашувда мамлакатимиз сўнгги йилларда эришган ютуқлар, унга кекса авлод қўшаётган ҳисса тилга олинди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимининг раиси Акмал Умаралиев ҳамда маҳалла қўмитаси раиси Солибой Тангриевлар фахрийларни азиз ва мўътабар Ватанимиз иқтисодий куч-қудратини оширишда авлодлар ворислигининг ролини алоҳида таъкидлашди.

*Ўз мухбиримиз.*

# МУОЛАЖАДА ҚУЛАЙЛИК

**Юқоричирчиқ туман марказий шифохонасида қон препаратларини қуйишда турли муаммолар келиб чиқар эди.**

Яқинда бу муаммо бартараф этилди. 1-Тошкент тиббиёт институтидан «Плазмофарез» аппарати келтириб ўрнатилди. Ушбу тиббий ускунада эритроцид масса, плазма ва бошқа препаратлар ишлаб чиқарила бошланди.

*Ўз мухбиримиз.*

# ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРДА БЎЛДИЛАР

**Чирчиқ шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган 12 нафар аскарнинг ота-оналари улар хизмат қилаётган Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисмларда бўлдилар.**

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, мудофаа ишлари бўлими, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари вакиллари улар билан бирга бўлдилар ва аскарларга совға-саломлар улашдилар.

Ота-оналар аскар ўғиллари хизмат қилаётган жойлардаги шарт-шароитлар ва имкониятларни ўрганиб қайтдилар.

*Ўз мухбиримиз.*

**Касаба уюшмалари: бугун ва эртага**

# «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ»

дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгашининг раиси Муҳайё ТЎЛАГАНОВА

— Мустақилликка эришилгач, ҳур Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этишга киришилди. Бу ҳаракатнинг асослари, шахс манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари, унинг Ватан ва жамият олдидаги бурч ва вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мукаммал белгилаб қўйилди. Асосий Қонунимизнинг 59-моддасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиб, ҳимоялаш касаба уюшмаларининг бош вазифаси эканлиги таъкидлаб кўрсатилади. Миллий мустақилликнинг дастлабки йилида мамлакатимизда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, кучга киритилди. У касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеини қонунлаштирди.

Бозор муносабатлари ва мулк хилма-хиллиги шароитларида бу вазифалар алоҳида долзарблик касб этганлиги сир эмас.

Президентимизнинг оқилона раҳбарлиги остида мамлакатимизда бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш жараёни шошма-шошарликсиз, табиий равишда, ижтимоий адолатли қонунчиликка асосланган изчил назорат остида, қадамба қадам амалга оширилмоқда. Ана шу кенг кўламли ишларга ҳамқадам бўлиш, ислоҳотларга оид фармон ва қарорлар тўлиқ бажарилишида бевосита ва фаол иштирок этиш — барча касаба уюшмалари аъзолари ва, аввало, касаба фаолларининг вазифасидир.

Ҳозирги кунда касаба уюшмаларининг Тошкент вилоят бўғини таркибидаги 3403 та бошланғич ташкилот ўз сафига 564 мингдан зиёд касаба уюшмалари аъзоларини бирлаштириб турипти. Маълумки, бақувват, жанговар, ҳар ишга қодир бошланғич ташкилот касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини таъминловчи ишончли асос ҳисобланади. Шу боис биз касаба уюшмаларининг асоси, пойдевори бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, улардаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга алоҳида эътиборни қаратмоқдамиз. Айтиш мумкинки, бу ишимизнинг етакчи, устувор йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Ижтимоий шерикчиликнинг қарор топиши, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларнинг роли ошиб боряпти. Касаба ташкилотлари жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашда давлат билан ўзаро муносабатнинг оқилона, цивилизациялашган услублари ва воситаларини танлаб, демократик, фуқаролик жамиятини шакллантиришда тобора фаол қатнашаётирлар.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдек долзарб вазифа ижтимоий шерикчиликнинг таъсирчан механизми — жамоа шартномалари орқали рўёбга чиқариляпти. Бугун вилоятимизда 4508 та жамоа шартномаси амал қилмоқда, улар 500 мингдан зиёд меҳнаткашларнинг манфаатларини қамраб олган. Касаба уюшмаларининг вилоят тармоқ қўмиталари томонидан 29 та вилоят, 67 та туман, шаҳар миқёсида тузилган битимларнинг бажарилиши мунтазам назоратда турипти.

Бу жамоа шартномалари ва битимлар аниқ мақсадларга қаратилгани билан олдингиларидан фарқ қилади. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш ва унга ҳақ тўлаш, иш шароитини яхшилаш ва бошқа ижтимоий имтиёзлар, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириб, соғломлаштириш, товон пули тўлаш каби масалаларни қамраб олган. Масалан, мустақиллик йилларида «Ўзбеккимёмаш», «Трансформатор», «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятларида ҳамда Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасида жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларда белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг ибратли тажрибаси оттирилди.

Биз ишловчиларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоялашда корхона ва ташкилотларнинг маъмуриятлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни кучайтирмоқдамиз. Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, автомобил транспорти, агросаноат мажмуи, металлургия ва машинасозлик тармоқларида фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 1397 нафар аёлга тўланадиган нафақалар миқдори 36 миллион сўмни ташкил этди. «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент», Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари ҳиссадорлик жамиятларида ҳамда бошқа бир қатор корхоналарда кўп болали аёлларнинг иш вақтлари ойлик маошлари сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилди. «Трансформатор» ҳиссадорлик жамиятида эса, беморларнинг даволанишлари учун дори-дармонга кетадиган сарф-харажатнинг 50 фоизини ташкилот ўз зиммасига олган.

Санацияга тушган, банкрот деб эълон қилинган ва қайта ташкил этилаётган корхоналар ишчи-хизматчиларининг қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли ҳимояланишида касаба ташкилотлари муросасозликка асло йўл қўймаётирлар. Жумладан, «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти банкротга учради. Унинг ходимлари нафақат дивиденд даромадларисиз, балки иш ҳақисиз ҳам қолиб кетишди. Корхонанинг тақдири ҳам ноаниқ эди. Лекин касаба ташкилотларининг қатъий аралашуви натижасида ходимларнинг иш ҳақи тўлиқ тўланишига эришилди. Кейинчалик «Тафтинг» ҳиссадорлик жамияти хусусий фирмага айланди ва юқори малакали 250 ишчининг иш жойлари ҳам сақлаб қолинди.

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи касаба ташкилотларининг доимий диққат марказида. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шу асосда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга биноан 2001-2005 йилларда ҳудудий иш ўринларини барпо этиш дастурини яратди. Унга кўра бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказиб турилибди. Дастур амалга оширила бориб, фақат ўтган бир йилда 34887 та янги иш жойлари ташкил қилинди. Шундан 20065 иш ўрни қишлоқларда очилганлиги инобатга олинса, бу соҳадаги танглик изчил бартараф этилаётганлигини англаш қийин эмас. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишга қийналаётган 11803 киши вилоят корхона, ташкилот ва муассасаларига ишга жойлаштирилди. Улар, жумладан, Бекободдаги «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Янгийўл ёғ-мой», «Лаззат» ва «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятларида, «Кибо» чарм пойабзал қўшма корхонасида ишлай бошладилар.

Меҳнаткашларни, уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш касаба ташкилотларининг асосий вазифаларидан бирига айланди. Шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида 2689 ишчи-хизматчи санаторий ва дам олиш уйларида соғлиқларини тиклаб, дам олди. Кам таъминланган 139 ишчи-хизматчи имтиёзли, бепул йўлланмалар олишди. Корхона, ташкилотлар қошидаги санаторий-профилакторийларда шу муассасада ишлаётган ишчи-хизматчилардан 6430 нафари имтиёзли йўлланмалар билан бепул даволанди. Касаба уюшма аъзоларини ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун ижтимоий суғурта бюджетидан жами 452 миллион сўм сарфланди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан меҳнат фахрийларидан 28 нафарига санаторийларга, 602 нафарига санаторий-профилакторийларга бепул йўлланмалар берилди. Бунинг учун ижтимоий суғурта жамғармасидан 21,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Касаба қўмиталари меҳнаткашлар орасида турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этиш ва ўтказишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари биринчи ярим йилда маданий-оммавий тадбирларга 160,4, спорт ишларига 59,4 миллион сўм сарфлаганликлари бунинг ёрқин далилидир. Шу муддатда кам таъминланган оилалар учун 35,4 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Кўриниб турибдики, касаба уюшмалари ташкилотлари мустақил мамлакатимизда барқарорлик, фуқаролараро ҳамжиҳатликни қарор топтириш учун тинмай изланмоқдалар. Ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда уларнинг ҳиссалари тобора ортиб бораяпти.

– Бу жараённинг самараларини кўпайтириш, меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашни кучайтириб, демократик жамият ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлашда энг оммавий жамоат ташкилотимизнинг ролини кучайтириш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади, – деди пировардида Муҳайё Мирзаалиевна.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**Ўзбекистонда ҳар йили Япония маданияти кунларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу йилги Маданият кунларининг расмий очилиши 17 сентябрга белгиланган бўлсада, мазкур хайрли иш билан боғлиқ тадбирлар аллақачон бошланиб кетди.**

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб "Мафтункор нигоҳ" фотокўргазмаси давом этмоқда. Япония элчихонаси маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Сачиё Сэя хоним бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

– Ўзбекистонда Япония маданият кунлари илк бор 1996 йили ўтказилган эди. У бир ҳафта давом этган. Ўзбекистонликларнинг қизиқиши ортгани сайин йилдан йилга тадбирлар кўлами кенгайиб, "кунлар" сони ҳам ўз-ўзидан кўпая бошлади. Ўзбекистон-Япония маданий ҳамкорлигининг ривожланиши мамлакатингиз халқига ўз маънавий дунёсини бойитиш, япон маданиятининг гўзал намуналаридан баҳра олиш имконини бермоқда, деб ўйлайман.

17 сентябрь куни Окинава санъати Тошкентда намойиш этилади. Шундан кейин турли тадбирлар бир-бирига уланиб кетади. Замонавий амалий санъат намуналари ва сопол буюмлар кўргазмаси эса бир ой давом этади. 4-11 октябрь кунлари Тошкентда, 18-20 октябрь кунлари Самарқандда Япон киноси фестивали бўлади. Ҳам катта, ҳам кичик ҳузур олиши учун бадиий ва мультфильмларнинг энг саралари танлаб олинган. Айни пайтда фақат япон киносини намойиш қилиш эмас, замонавий Японияning ҳаёти, ютуқларию муаммолари ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиш ҳам мақсад қилинган.

– Булар қаторида мамлакатимизнинг кундалик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи "Танишинг – Япония" фотокўргазмаси ўтказилади, – деб гапида давом этади Сачиё хоним. – Бизда қўғирчоқ шунчаки ўйинчоқ эмас, одамларга бахт келтирадиган, балони қайтарадиган тилсим, маънавий камолот ва руҳий лаззатни идрок этишга ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Шу сабабли яхши ният билан амалий санъатнинг ғоят ноёб туридан намуналар – япон қўғирчоқлари кўргазмасини ҳам уюштирамиз.

Оригами машқларини эса таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Қоғоздан турли шакллар ясаш санъатига бутун дунёда каттаю кичикнинг қизиқиши жуда кучли, десам муболаға бўлмайди. Айниқса, қоғоздан ясалган турна кўпчиликка яхши таниш. Турна бизда умид рамзидир.

Булардан ташқари, Инсон имкониятларини ривожлантириш Ўзбекистон-Япония маркази томонидан караоке тизимида япон қўшиқларини куйлаш, япон таомларини тайёрлаш машқлари, чойхўрлик маросими ўтказилади. Шунингдек, Токио шаҳридан келган юртдошларимиз билан учрашув ташкил қилинади. Унда икки мамлакатнинг оддий фуқаролари биргаликда қўшиқлар, рақслар ижро этади, миллий таомлар пиширади.

Марказ уюштирадиган тадбирлар анчагина. Япония фуқаролари учун "Ўзбекистонни биласизми?" рукнида танлов-викторина, китоб ярмаркаси, Япония тарихига бағишланган анжуманлар, оригами машқлари ўтказилади, "Абдуллажон" фильми намойиш этилади.

*ЎзА мухбири Анвар БОБОЕВ суҳбатлашди.*



# «БЕРАД» ҚАЛАМПИРИ ҲОСИЛ БЕРДИ

**Паркент туманидаги «Берад» хусусий фирмаси қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик маҳсулотларини қадоқлаб, Европа мамлакатларига экспорт қилиш билан шуғулланмоқда.**

Бу йил фирма жамоаси янги ишга қўл урди. Экспорт маҳсулотларини ўзлари етиштира бошлашди. Бунинг учун туман ҳокимлиги томонидан 56 гектар ер ажратилди. Фирма мутахассислари ундан оқилона фойдаланиш режаларини ишлаб чиқишди. 15 гектар майдонга пиёз, 13 гектар майдонга булғор қалампири ва бошқа экинлар экилди. Парвариш агротехника талаблари асосида олиб борилиб, бу экинлардан юқори ҳосил етиштирилди. Ҳозирда тадбиркорлар ҳосилни жаҳон стандартлари даражасида қадоқлаш чораларини кўришяпти.

***СУРАТДА:** фирма далаларидан йиғиб олинаётган сара ҳосил.*

*Зиёвуддин ҲОЛИҚОВ олган сурат.*

# Компьютерлаштириш ва таълим

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини изчил амалга оширишда узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштиришни жадаллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.**

Республика Таълим марказида ташкил этилган "Умумий ўрта таълим тизимида ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-услубий асослари" мавзуидаги семинарда ана шу ҳақда гап борди. Ўқувчиларнинг кенг кўламдаги ахборотларни қабул қилиш, ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллаш қобилиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса, аввало, ўқитувчидан дарс беришнинг анъанавий усуллари билан бир қаторда, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, компьютердан фойдаланиш маҳоратини эгаллашни тақозо этади. Дарсда компьютер билан ишлаш ўқув жараёнини қизиқарли олиб бориш, ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндошиш имконини яратади.

Шу мақсадда ўтиладиган информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанида эса ўқувчилар замонавий компьютерлар, уларнинг тузилиши ва ишлаш принциплари ҳақида маълумот олади. Бундан ташқари, Интернет тармоғи, унинг моҳияти ва имкониятлари ҳақида тушунчага, фойдаланиш кўникмаларига эга бўлади. Интернет тармоғидан ўзлари учун зарур ахборотни излаш, уни сақлаб қолиш, ахборотларни узатиш билан боғлиқ амалларни бажаришни ўрганади.

Олимлар, мутахассислар ва ўқитувчилар иштирокида ўтган семинарда ахборот тизимини таълим жараёнига изчил татбиқ этиш, автоматлаштирилган ўқув курсларини ишлаб чиқиш борасидаги тажриба ўртоқлашилди.

Семинар доирасида таълим тизимида яратилган ўқув-педагогик дастурлар ва Web-саҳифалар кўргазмаси ташкил этилди.

*Ҳулкар СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.*

**Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги**

# СЕШАНБАДА АМАЛИЙ ЁРДАМ

**Ангрен шаҳар ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда шаҳар солиқ маҳкамасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига бағишланган ушбу йиғилишда шаҳарда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланаётган барча тадбиркорлар иштирок этдилар. Шунингдек, йиғилишга Тошкент шаҳридаги назорат-касса машиналари ишлаб чиқарувчи «Тараққиёт» қўшма корхонаси вакиллари ҳам таклиф этилди.

Йиғилишда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларга четдан халқ истеъмоли товарларини олиб келиб сотиш йўл-йўриқлари, тартиб-қоидалари, тадбиркорларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида кенг ва чуқур маълумотлар берилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси қарорининг четдан келтирилаётган истеъмол товарларини кимларга ва қандай тартибда сотишга бағишланган бешинчи ва олтинчи бандида белгиланган қоидалар атрофлича тушунтирилди.

«Тараққиёт» қўшма корхонаси ўзлари ишлаб чиқараётган назорат-касса машиналарини тавсия этиш билан бирга бу аппаратлардан қандай фойдаланиш ҳақида кенг маълумот бердилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шаҳар ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташаббуси билан ҳар ойнинг сўнгги сешанбаси тадбиркорлар куни, деб эълон қилинган. Мақсад — Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини ижро этишда барча тадбиркорларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

Шу куни тадбиркорлар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда солиқ маҳкамасига ташриф буюриб ёки сим орқали боғланиб, савол-жавоб қилиб, маслаҳатлар оладилар. Энг муҳими — савдо-сотиқ билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг кундалик фаолиятларига оид долзарб масалалар ҳал этилади, юзага келаётган муаммолар ўз ечимини топади.

*Мунаввара ИСОҚУЛОВА.*

# ЧАЙҚОВЧИЛИК – ТАДБИРКОРЛИК ЭМАС

**Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилди. Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо этилмоқда, эркин савдо-сотиқ йўлга қўйилди.**

Ишбилармонларимиз замонавий технологияларни татбиқ этиб, ўзимизда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни чет элга экспорт қилиш орқали иқтисодиётни кўтариш мумкинлигини тобора чуқур англаб етмоқдалар. Фаолиятини ривожлантириб, ундан фойда ёки даромад олувчи тадбиркор талабчан, уддабурон одам бўлиши керак. У халқ эҳтиёжи учун муҳим бўлган нарсаларни ишлаб чиқармоғи лозим.

Шундай экан, халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган молларни чет элдан сотиб олиб, ўзимизда уни неча баробар қимматга пуллаётганлар ёки ўз ҳудудимизда бир жойдан иккинчи жойга мол олиб келиб сотаётганларни тадбиркор деса бўладими?

Афсуски, тадбиркор, бизнесмен тушунчалари ғоят ибтидоий англашиладиган бўлиб қоляпти. Улар тимсолида маҳсулот ишлаб чиқарувчини эмас, балки бозордаги савдо билан шуғулланувчи шахсларни тушуниб қоляпмиз. Бозордаги сотилаётган маҳсулотларнинг катта қисми, асосан ноозиқ-овқат маҳсулотлари, чет эллардан келтирилмоқда. Айтишимиз мумкинки, товарларни чет элдан келтириш учун давлатимиз капитали хорижга чиқиб кетмоқда.

Ҳолбуки, иқтисодий ислоҳотларимизнинг асосий мақсади хорижга хом ашё етказиб берувчи давлатдан, тайёр маҳсулотни чет элга етказиб берувчи давлатга айлантиришдир. Бунинг учун ўзимизда олим, етук мутахассисларга катта эътибор берган, ҳомийлик қилган ҳолда ҳеч қайси мамлакатда мавжуд бўлмаган техника ва технологияларни яратишимиз лозим. Агар биз ишлаб чиқараётган маҳсулот бошқаларникига қараганда сифатли ва фойдали бўлсагина бизда экспорт салоҳияти кучайиши мумкин.

Лекин, қуруқ чайқовчилик билан бу мақсадларга эришиб бўлмайди. Ҳозирча бозорлардаги савдогарларнинг қўлида давлат ҳисобида бўлмаган миллионлаб сўмлар ушланиб қолмоқда. Касса аппаратининг йўқлиги товар олиб сотаётган ёки ишлаб чиқариб сотаётган шахс қанча даромад олаётганлигини назорат қилишни қийинлаштирмоқда. Сотиб олинган молнинг қўлдан қўлга ўтиши эса, нархларни сунъий равишда кўтариб юборяпти.

Айтайлик, бозорнинг бир жойида ўқувчилар сумкасининг нархи 6500 сўм турса, ўн-ўн беш метр нарироқда худди шу сумка 12000 сўмдан сотилмоқда. Фойда кўриш мақсадида чайқовчи шу бозорнинг ўзидан буюмни сотиб олиб, нарироқда икки баробар нархда пуллаяпти.

Менимча, буни тадбиркорлик деб бўлмайди. Нархни бундай сунъий тарзда оширишдан ташқари чайқовчилик давлатга солиқ тўлашдан яширинишнинг бир «туйнуги» бўлиб, молиявий шароитни ҳам оғирлаштириши табиий. Бугун биз ислоҳотларнинг кейинги босқичига ўтиш арафасида турибмиз. Бунинг учун янги кучларни рўёбга чиқариш имкониятидан, рағбатлантириш омилларидан, ўзгаришларга сабаб бўлувчи кучли далиллардан фойдаланиш пайти келди. Бугунги куннинг асосий вазифаси сифат жиҳатдан янги босқичда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги стратегиясини қабул қилишдан, унинг асосий вазифалари ва мақсадларини белгилаб олишдан иборатдир. Бу ишларни рўёбга чиқаришда эса, чайқовчилик билан бирни икки қилаётган сохта омилкорларга эмас, чин маънодаги тадбиркорларга таянилади.

*Усмонбек РОЗИМОВ, Тошкент Давлат юридик институтининг 4-курс талабаси.*

